

Австралиядаги ўт ўчирувчиларга мусулмонлар ёрдам берди



11:04 / 10.01.2020 2715

Австралияда бир гуруҳ мусулмон кўнгиллилар ўрмон ёнғинидан зарар кўрган ўт ўчирувчиларга ёрдам беришмоқда. Бу ҳақда islam.ru хабар беради.

Австралиядаги Ислом жамияти аъзолари ўрмонда олов билан курашаётган ўт ўчирувчиларга овқат тайёрлаб беришмоқда. Лакман ал-Курди исмли мусулмон шундай дейди: «Биз қила оладиган нарса уларни боқиш ва дуо ибодат қилиш эди».

Бошқа нарсалар қатори, мусулмонлар ёнғинлардан жабр кўрганларга 5 та юк машинасида инсонпарварлик ёрдамларини олиб келишди.

Аввалроқ Австралияда мусулмонлар истисқо намозини ўқиганликлари ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар берилган эди. Натижада истисқо намозидан сўнг ёмғир ёға бошлаган. Бу ҳолатдан насоролар ҳайрон қолдилар. Ўтган икки кундан бери 480 миллион жониворни куйдириб юборган оловни дунёнинг бирор технологияси ўчира олмади. Бугун у ерда бир намоз юз минглаб одамларнинг жонини сақлаб қолди. Бу исломнинг баракасидир. Бу дунё учун Аллоҳ таолонинг бир мўъжизасики, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким оловни ўчира олмади.

Ҳаво ҳарорати сезиларли даражада пасайган. Ўт ўчирувчилар ўрмон ёнғинларининг олдини олиш мақсадида қулай об-ҳаво шароитидан фойдаланмоқдалар.

Австралиядаги ўрмон ёнғинлари оқибатида бугунгача 24 киши ҳалок бўлди, 39 киши жароҳат олди, 500 мингга яқин кўп сонли ҳайвонлар нобуд бўлди. Шу жумладан кўплаб коалалар ҳам.

Айни пайтда Жанубий Уэльс ва Викториа штатида 170 дан ортиқ ёнғинлар қайд этилган. Октябр ойидан бери мамлакат бўйлаб қарийб 7 миллион гектар майдон ёниб кул бўлган.









Islom.uz портали тахририяти